

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2025 йил октябрь ойининг 23 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Г.Негматов, П.Рахмоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ургут туман прокурорининг ўринбосари А.Султонов, судланувчи М.Шоназаров ва унинг ҳимоячиси - адвокат С.Нуруллаев, фуқаровий даъвогар Р.Каримовларнинг иштирокида, Шоназаров Махмадоли Солиевичга нисбатан 1-1416-2501/454-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Мухамадиев Ўктам Қурбоналиевич
(Muxamadiyev O'ktam Qurbonaliyevich), 1974 йил 29 май куни Ургут туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали 4 (тўрт) нафар фарзандлари бор, судланмаган, мавсумий ишчи, Ургут тумани, “Сариқтепа” МФЙ, рақамсиз уйда истиқомат қилади, жиноят иши бўйича “гаров” эҳтиёт чораси кўлланилган, айблов хулосасини нусхасини 26.09.2025 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “д” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, томонларнинг музокара сўзлари ҳамда судланувчининг охириги сўзларини эшитиб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Мухамадиев Ўктам Қурбоналиевич, Ургут тумани “Сариқтепа” МФЙда ҳудудидаги “Сариқтепа Сойли Сувлари” фермер хўжалиги норасмий иш бошқарувчиси тариқасида ишлаб келиб, назорат қилинмайдиган даромад олиш ва ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2024 йилдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 319-сонли қарори талабларига зид равишда, тижорат мақсадида, электр ҳисоблагичдан ташқари, тўғридан-тўғри 1 (бир) дона қуввати 9 (тўққиз) кВт.лик сув насосини умумий фойдаланишдаги электр тармоғига ўзбошимчалик билан улаб, ноқонуний фойдаланиб келаётганлиги “Енерго-савдо” Ургут туман Деҳқонобод бўлими ходимлари томонидан 2025 йил 13 июнь куни ўтказилган назорат тадбирида аниқланиб, унга нисбатан ҚСА 1823906253446-сонли “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги ҳақида” далолатнома расмийлаштирилган.

12.09.2025 йилдаги “Енерго-савдо” Ургут туман Деҳқонобод бўлими томонидан расмийлаштирилган қайта ҳисоб-китоб қилиш маълумотномасига кўра, “Сариқтепа Сойли Сувлари” фермер хўжалиги норасмий иш бошқарувчиси



Мухамадиев Ўктам Курбоналиевич томонидан жами 15.984 кВт. соат электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келганлиги натижасида, жами 15 млн. 984 минг сўм зарар етказилганлиги аниқланган.

Судда сўралган судланувчи Шоназаров Махмадоли Солиевич қўйилган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб, Ургут тумани “Сариқтепа” МФЙ ҳудудида жойлашган “Сариқтепа Сойли Сувлари” фермер хўжалигини акаси Д.Мухамадиев 2007 йилда ташкил қилиб ва ўзи раҳбари қилгани, акаси 2024 йилнинг апрель ойларида жиноий жавобгарликка тортилиб, Тошкент вилоятида манзил колонияда жазо ўтаб келаётганлиги боис, ер майдонлари қаровсиз қолиб кетмаслиги учун 2025 йилдан деҳқончилик қилиш учун ерларни ҳайдатиб, тамаки ва бошқа экинларни экканлиги, экинларга сув кераклиги сабабли фермер хўжалигига тегишли бўлган сув насосини ишлатмоқчи бўлган вақтида сув насосини электр энергиясидан 2023 йилдаги қолган 13 млн. сўм қарздорлигини борлигини билиб, бу қарздорликни тўлаб, сув насосидан сув чиқарганлиги ва қарздорлиги кўпайиб кетганлиги сабабли электр ҳисоблагични “ТП”га ўрнатилган симларини узиб қўйгани, Ургут туман Деҳқонобод ЭТК бўлими ходимлари 13.06.2025 йилда фермер хўжалиги ер майдонига келиб, “ТП”ни текширган вақтларида электр токидан тўғридан тўғри сув насосини ишлатаётган ҳолатини аниқлашиб, далолатнома расмийлаштириб кетишгани, содир этган қилмишидан пушаймонлиги, зарар тўлиқ қоплангани, судланмаганини инобатга олган ҳолда қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ў.Мухамадиев судда қўйилган айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби суд мажлисида сўралган фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатуви ҳамда жиноят иши ҳужжатларида мавжуд бўлган инкор этиб бўлмайдиган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди, яъни,-

Судда сўралган фуқаровий даъвогар Каримов Рамиз Рашидовичнинг, “Энерго-савдо” Деҳқонобод бўлимида ҳуқуқшунос бўлиб ишлаб келиши, “Енергосавдо” Ургут туман Деҳқонобод бўлими ходимлари томонидан 2025 йил 13 июнь куни ўтказилган тадбирида, Ургут тумани “Сариқтепа” МФЙда яшовчи Ў.Мухамадиев назорат қилинмайдиган даромад олиш ва ноқонуний йўллар билан бойлик ортириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2024 йилдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 319-сонли қарори талабларига зид равишда, тижорат мақсадида, ҳужжатларсиз, шартнома тузмасдан, электр ҳисоблагичдан ташқари, тўғридан-тўғри 1 дона қуввати 9 кВт.лик сув насосини умумий фойдаланишдаги электр тармоғига ўзбошимчалик билан улаб, ноқонуний фойдаланиб келаётганлиги “Енерго-савдо” Ургут туман Деҳқонобод бўлими ходимлари томонидан 2025 йил 13 июнь куни ўтказилган рейд тадбирида аниқланиб, унга нисбатан ҲСА 1823906253446-сонли “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги ҳақида” далолатнома расмийлаштирилгани, “Енергосавдо” Ургут туман Деҳқонобод бўлимининг қайта ҳисоб-китоб қилиш маълумотномасига кўра, судланувчи томонидан жами 15.984 кВт. соат электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келганлиги натижасида, жами 15.984.000 сўм миқдорида моддий зарар етказилганлиги аниқлангани, тергов давомида Ў.Мухамадиев етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплагани сабабли унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви билан.



Судда сўралган гувоҳ Ёдгоров Охунжон Қурбонали ўғлининг, “Енергосавдо” Ургут туман Дехқонобод бўлими ходимлари томонидан 2025 йил 13 июнь куни ўтказилган тадбирида, Ургут тумани “Сариқтепа” МФЙда яшовчи Ў.Мухамадиев назорат қилинмайдиган даромад олиш ва ноқонуний йўллар билан бойлик ортириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2024 йилдаги 319-сонли қарори талабларига зид равишда, тижорат мақсадида, ҳужжатларсиз ва шартнома тузмасдан, электр ҳисоблагичдан ташқари тўғридан-тўғри 1 дона қуввати 9 кВт.лик сув насосини электр тармоғига ўзбошимчалик билан фойдаланиб келаётганлиги аниқлангани, “Енергосавдо” Ургут туман Дехқонобод бўлимининг 12.09.2025 йилдаги қайта ҳисоб-китоб қилиш маълумотномасига кўра, Ў.Мухамадиев томонидан жами 15.984.000 сўм миқдоридан моддий зарар етказилгани аниқлангани ҳамда бу ҳақидаги видео ва фото тасвирлари олингани, Ў.Мухамадиев қуввати 9 кВт бўлган сув насосини электр ҳисоблагични узиб қўйган ҳолда тармоққа улаб, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келганлигини баён қилиб берган кўрсатуви билан;

Судда сўралган гувоҳ Худойкулов Рустам Турғун ўғли юқорида сўралган гувоҳ Ёдгоров Охунжон Қурбонали ўғлининг кўрсатувлари тасдиқлаб, шўнга ўхшаш (аналогик) тарзда берган кўрсатувлари билан;

Бундан ташқари, судланувчи Мухамадиев Ўктам Қурбоналиевичнинг айби жиноят ишининг дастлабки тергов ҳужжатлари, яъни билдирги, “Энерго-савдо” Дехқонобод бўлими ходимлари томонидан расмийлаштирилган ҲСА 1823906253446-сонли далолатнома ва унга илова қилинган фотожадвал ҳамда ҳужжатлар, “Энерго-савдо” Дехқонобод бўлимининг қайта ҳисоб-китоб маълумотномаси, кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва илова қилинган фотожадвал, ёзма далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 5-бандида “Судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак. Суд ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкин” деб кўрсатилган бўлиб, суд ушбу Пленум қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи Ў.Мухамадиевнинг содир қилган жиноятига суд жараёнида текширилиб, аниқланган ҳолатларга кўра баҳо беришни лозим топади.

Суд, судланувчи Мухамадиев Ўктам Қурбоналиевичнинг умумий фойдаланишдаги электр тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиб, яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган жиноий хатти-ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси



ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “д” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Мухамадиев Ўктам Қурбоналиевичнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, қилмишидан пушаймонлигини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни паст ниятларда содир этганлигини ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Ў.Мухамадиевга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши кўрсатилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги қарори 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига мувофиқ бўлиши кераклиги таъкидланганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасидаги “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деган талабларидан келиб чиқиб, суд, судланувчи Ў.Мухамадиевга жазо тайинлаш лозим деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Д.Мухамадиевга жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан бирга, айбига иқро ва пушаймонлиги, оилавий шароитини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, жиноятни паст ниятларда содир этганлигини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиш билан бирга жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини, тайинланадиган жазони ўзи ва бошқа фуқаролар учун тарбиявий аҳамиятини, қилмиш ҳаракатларига иқролик билдирганлигини, моддий зарарни қоплаганлигини, фуқаровий даъвогарнинг даъвоси йўқлигини жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган хулосага келиб, унга айбли деб топилган ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “д” банди санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, қўлланилган эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, етказилган моддий зарарни қоплаш ҳисобига топширилган ҳамда

ХУКМ

қонуний кучга киргач Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисобидан сақланаётган 20.000.000 сўм пул маблағларидан 15.984.000 сўмини



“Энерго-савдо” Дехқонобод бўлими ҳисобига ўтказишни ва ортиқча тўланган 4.016.000 сўмини Ў.Мухамадиевга қайтаришни белгилашни лозим топади.

Суд, жиноят иши бўйича ёзма далил деб эътироф этилган ҳужжатларни иш ҳужжатларига қўшилганлигини эътироф этади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 475-476-моддаларини қўллаб,

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Мухамадиев Ўктам Қурбоналиевич (Muxamadiyev O'ktam Qurbonaliyevich), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “д” банди билан айбли деб топилсин.

Мухамадиев Ўктам Қурбоналиевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “д” банди билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизни давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини жазо ижросини назорат қилувчи орган белгилаб берган жойларда ўташлик белгилансин, жазони ўташ муддати Ў.Мухамадиев жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса ёки ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижросини назорат қилиш Ургут туман ИИБ ЖХХ Пробация бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

Қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ҳамда Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 8.500.000 (саккиз миллион беш юз минг) сўм миқдордаги пуллар гаровга қўювчи Ў.Мухамадиевга қайтарилсин.

Мазкур ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисобида сақланаётган 20.000.000 (йигирма миллион) сўм пул маблағларидан 15.984.000 (ўн беш миллион тўққиз юз саксон тўрт минг) сўми “Энерго-савдо” Дехқонобод бўлими ҳисобига ўтказилиб, ортиқча тўланган 4.016.000 (тўрт миллион ўн олти минг) сўм миқдордаги пуллар Ў.Мухамадиевга сўнг қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи, фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига, белгиланган муддат ўтгач эса кассация инстанциясига шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья:

Ғ.Негматов

